

Андижон шаҳар
хокимлиги 06.02.2014.
ёшлари № 93-15 сонли
қарори ёшлар рўйхети
8 март 2014



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги А.В.Алимов
« _____ » _____ 2014 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**


**АНДИЖОН ДАВЛАТ
ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
УСТАВИ**

Андижон – 2014 йил

Киритилди:


Андижон давлат тиббиёт институти
ректори, профессор




А.К.ШАДМАНОВ


Келишилди:

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринбосари



А.А.ХУДАЯРОВ

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Фан ва ўқув юртлари бош
Бошқармаси бошлиғи




Ў.С.ИСМОИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Иқтисодиёт, молиялаштириш ва
истикболни аниқлаш бош бошқармаси
бошлиғи



Б.А.ХОШИМОВ

Бош юрисконсулт


Р.И.МУХАММАДИЕВ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИНГ УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

1. Andijon davlat tibbiyot instituti 1955 йилда собик СССР Министрлар советининг 1955 йил 25 августдаги 6241 сонли қарори асосида ташкил қилинган ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради.

2. Андижон давлат тиббиёт институти (АДТИ) давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим Дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-педагогик ва илмий-методик, тиббий-профилактика шунингдек бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

3. АДТИ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиқларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва мазкур Уставга амал қилади.

4. АДТИ юридик шахс бўлиб, нотижорат муассасаси ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкрий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа шу жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

АДТИ жойлашган манзил: Андижон шаҳри Ю.Атабеков кўчаси №1 уй
индекс: 710002.

АДТИнинг ўзбек, (лотин) рус ва инглиз тилларидаги расмий тўлик (қисқа)

номи:

Андижон давлат тиббиёт институти (АДТИ)

Andijon davlat tibbiyot instituti (ADTI)

Андижанский государственный медицинский институт (АГМИ)

Andijan state medical institute (ASMI)

II. Институтнинг мақсад ва вазифалари

5. АДТИнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишни қондириш;

- ҳар томонлама ривожланган, содиқ ва садоқатли шахсни, мустақил давлат

фуқаросини ўз ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

- илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;

- тиббиётнинг мувофиқ соҳаларидаги олий маълумотли мутахассисларни ва илмий - педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;

- аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини кўтариш.

- аҳоли соғлиғини сақлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

III. Институтда таълим олувчилар

Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари,
уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

А) БАКАЛАВРИАТ ВА МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИ:

6. АДТИ ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахслар АДТИ бакалавриат ёки магистратура талабалари ҳисобланади. Талаба ва магистратура талабаларига талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси берилади.

АДТИга қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маълумотиغا эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Олий таълим муассасасига қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилиқ, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниши ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниши ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади.

7. АДТИ бакалавриат ва магистратура талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олишга;

- олий таълим муассасаси ахборот ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланишга;

- бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олишга;

- аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланишга;

- таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз тақлиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим

муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдиришга ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилишга;

- олий таълим муассасаси ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этишга;

- илмий тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда қатнашишга ва уларнинг натижаларини нашр этишга ва бу ҳақда ахборотлар беришга;

- олий таълим муассасасида қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашишга.

Бакалаврият ва магистратура талабалари сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

8. Давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида ўқиётган бакалаврият ва магистратура талабалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Бакалаврият ва магистратура талабалари тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси, Ибн Сино номидаги Давлат стипендияси хамда бошқа жамоатчилик ташкилотлари томонидан таъсис этилган, шунингдек, ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар томонидан тайинланган стипендияларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

9. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида бакалаврият ва магистратура талабаларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим олаётган талабаларга олий таълим муассасасида ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

11. Талабалар турар жойида яшашга муҳтож талабалар институт талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланадилар. Талабалар турар жойи учун тўлов суммаси коммунал-маиший хизматлар учун тўловлар инobatга олинган ҳолда институт раҳбарияти томонидан белгиланади. Турар жойга муҳтож талабалар мавжуд бўлган ҳолда, олий таълим муассасасининг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларга фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар)га рухсат этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда талабаларга ўқишдан бўш вақтларида институтнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлашга рухсат этилади.

12. АДПДдан ўз хоҳиши ёки узрли сабабларга кўра талабалар сафидан чиқарилган бакалаврият ва магистратура талабалари, клиник ординаторлар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишга тикланиш ҳуқуқига эга.

Илгари институт маъмуриятининг ташаббуси билан бакалаврият ва магистратура талабалари, клиник ординаторлар сафидан чиқарилган шахсларни, барча ўқув шакллари бўйича қайта тиклаш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

АДТИ бакалаврият ва магистратура талабалари белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига ўқишларини кўчириш (ўқишга қайта тикланиш) ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан бакалаврият ва магистратура талабаларини АДТИ га ўқишини кўчириши (ўқишга тиклаши) мумкин эмас.

Бакалаврият ва магистратура талабалари ўқишини бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

13. АДТИ бакалаврият ва магистратура талабалари, клиник ординаторлар ва малака оширувчилари белгиланган таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари зарур ҳамда институт Низоми (Устави)га, Ички тартиб қоидалари ва талабалар турар жойларида яшаш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, бакалаврият ва магистратура талабалари, клиник ординаторлар ва малака оширувчиларини ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

14. Ушбу Устав ва олий таълим муассасасининг Ички тартиб қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузгани тақдирда бакалаврият ва магистратура талабалари, клиник ординатор ва малака оширувчига нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари кўрилиши мумкин:

- ҳайфсан;
- таълим олувчилар сафидан чиқариш.

Таълим олувчи (бакалаврият ва магистратура талабалари, клиник ординатор, ва малака оширувчи)лар қуйидаги ҳолларда таълим олувчилар сафидан чиқарилиши мумкин:

- а) ўз ҳоҳишига биноан;
- б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- г) академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;
- д) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
- е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- ж) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- з) суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- и) вафот этганлиги сабабли.

Институт маъмурияти ташаббуси билан бакалаврият ва магистратура талабаларини талабалар сафидан чиқаришда талабалар касаба уюшма кўмитасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган бакалаврият ва магистратура талабалари), клиник ординаторларни четлаштиришда ходимлар касаба уюшма кўмитасининг ёзма розилиги олиш орқали амалга оширилади. Шунингдек, бакалаврият ва магистратура талабаларини мазкур

Қоидаларнинг 14-банди “д” кичик бандига кўра ўқишдан четлаштиришда институт “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

Интизомий жазога тортилган бакалаврият ва магистратура талабалари, клиник ординатор ва малака оширувчи ўзларига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириши мумкин.

Бакалавр ва магистратура талабалари, клиник ординаторга нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот уларнинг шахсий йиғма жилдларида сақланади.

Интизомий жазолар бакалаврият ва магистратура талабалари, клиник ординаторларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда ҳатти-ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва ҳатти-ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечиктирилмай қўлланилади. Бакалаврият ва магистратура талабалари, клиник ординаторни касаллик пайтларида, академик таътил ёки таътил пайтларида таълим олувчилар сафидан четлаштириш мумкин эмас.

Касаллик пайтида бакалаврият ва магистратура талабалари, клиник ординатор (ёки уларнинг ота-оналари) ариза ва тегишли маълумотномалар билан, одатда, бир ҳафтадан кечиктирмасдан деканатларга маълум қиладилар.

Б) ТИНГЛОВЧИЛАР:

15. АДТИда клиник ординатура ўтаётган ҳамда малака ошириш факультетида ўқиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади. Тингловчи ва клиник ординаторларнинг мақоми таълим хизматларини олиш қисми бўйича олий таълим муассасасида мувофиқ ўқув шаклида таълим олаётган бакалаврият ва магистратура талабаларининг мақоми билан тенглаштирилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, тингловчиларни ўқитиш шартлари ва ҳуқуқлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Клиник ординаторларга стипендия тўлаш миқдори Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сонли қарори билан тасдиқланган “Клиник ординатура тўғрисидаги Низом”га асосан пуллик-контракт асосида ўқишга қабул қилинган клиник ординаторларга ўз аризасига кўра стипендия олмасдан ўқишга ва институт томонидан ҳисобланган стипендия миқдорини клиник ординаторнинг ўқиш тўловидан чегириб юборишига йўл қўйилади.

IV. Институт педагог ходимлари, ўқув тарбиявий ходимлар

16. АДТИда профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, муҳандислик-техника, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудир, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент, ассистент-стажёр ва ўқитувчи-стажёр (2 йилдан кам педогогик стажга эга бўлганлар) лавозимлари киради (ўқитувчи-стажёр лавозими ЎЗР ВМнинг 2008 йил 1 август “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сон қарорига асосан киритилган).

17. Профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 20-сонли қарори

билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 март Ф-137-сонли фармойишига мувофиқ олий таълим муассасасининг проректорлари ректор тавсиясига кўра Соғлиқни сақлаш вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда тайинланади. Факультет декани Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тайинланади.

18. АДТИнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- белгиланган тартибда олий таълим муассасаси ва факультет Илмий Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;

- олий таълим муассасаси фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

- олий таълим муассасаси ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

- ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

- олий таълим муассасаси маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

- қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда);

- хорижий ҳамкасбларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

- ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш;

- назарий билимларини амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

- талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

19. АДТИнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- таълим тўғрисидаги қонун қоидаларига, меҳнат интизомига, олий таълим муассасаси Уставга, Ички тартиб қоидаларига қатъий риоя қилиш; ўзининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

- иш жараёнида мулоқат қиладиган муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан ҳушфееъл муносабатда бўлиш;

- иш берувчининг қонуний буйруқ ва фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўқув юкламалари ҳажмини, ўқув-услугий, илмий ўқув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

б) дарслик, ўқув қўлланма тайёрлаш, ўқув абадиётлар, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда;

д) Илмий кенгаш томонидан тасдиқланган кафедра илмий йўналишларида иштирок этиш;

е) ўз малакасини мунтазам равишда ошириш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;

- муассасанинг мол-мулкани авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

- иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

- муассаса жамоатчилиги ишларида қатнашиш;

- педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

- таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарлигини, меҳнатга бўлган қобилиятини шакллантириш;

- чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини ошириб бориш;

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;

- «Устоз-шогирд» тизимида иштирок этиб, ўзига бириктирилган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

- ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнатилган бўлиш;

- кийиниш маданиятига риоя этиш;

- мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;

- муассаса, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

- ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;

- дарсларни юқори савияда ўтиш;

- фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

- ҳар йили ўқув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фаннинг ишчи ўқув дастури, календарь режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;

- рейтинг тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;

- талабалар билимини холисона баҳолаш;

- янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш;

- илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;

- талабалар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларда фаол қатнашиш мажбуриятларини олади.

20. Институт профессор-ўқитувчи ходимларининг чет эл хизмат сафарлари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 13.04.2005 й. 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан

ҳорижий сафарларга бориш тартиби тўғрисида”ги муваққат Йўриқнома асосида амалга оширилади.

21. АДТИнинг профессор-ўқитувчилари таркиби уч йилда камида бир маротаба малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

22. АДТИнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари институтнинг Ички тартиб-қоидалари ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

V. Ўқув-тарбиявий ва илмий ишлар

23. АДТИ қуйидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади:

- Олий таълим: бакалаврият ва магистратура.
- Олий ўқув юртидан кейинги таълим: клиник ординатура, малака ошириш, катта илмий ходим изланувчи.

Бакалаврият – таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Олий таълим муассасаси “Олий хамширалик иши” бўлимига тиббиёт коллежларининг “даволаш иши”, “акушерлик иши”, “хамширалик иши” йўналишлари битирувчилари қабул қилинади. Институтда 3 йиллик Бакалавр дастурини тугатган “олий хамширалик иши” битирувчиларига Давлат аттестацияси яқунлари асосида таълим йўналиши бўйича “бакалавр” даражаси берилади ҳамда давлат нусҳасидаги диплом топширилади.

“Даволаш иши”, “Педиатрия иши”, “Касбий таълим” (Даволаш иши), “Стоматология” йўналишларига ўрта махсус касб таълим маълумот ҳақидаги давлат нусҳасидаги хужжатга эга бўлган фуқаролар қабул қилинади. Институтда “Даволаш иши”, “Педиатрия иши”, “Касбий таълим” (Даволаш иши) йўналишларини 7 йиллик таълим дастурини яқунлаган битирувчиларига давлат аттестацияси яқунлари бўйича таълим йўналишининг “Умумий амалиёт шифокори”, “Умумий педиатр шифокори”, “Даволаш иши ўқитувчиси-умумий амалиёт шифокори” даражалари берилади ҳамда давлат нусҳасидаги диплом топширилади.

Стоматология йўналишини 5 йиллик таълим дастурини яқунлаган битирувчиларига давлат аттестацияси яқунлари бўйича таълим йўналишининг “Шифокор умумий стоматологи” даражаси берилади ҳамда давлат нусҳасидаги диплом топширилади.

Магистратура – йўналишнинг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи “Умумий амалиёт шифокори”, “Умумий педиатр шифокор”, “Даволаш иши ўқитувчиси - умумий амалиёт шифокори”, “Олий хамширалик иши” мутахассисликлари бўйича давлат нусҳасидаги дипломга эга бўлган шахсларни қабул қилувчи, ўқиш муддати 2 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимнинг иккинчи босқичидир.

Магистратура дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси яқунлари бўйича тайёрланган муайян мутахассислик бўйича “магистр” академик даражаси берилади ва давлат нусҳасидаги диплом топширилади.

в) магистратура мутахассисликлари:

1.	Умумий жаррохлик	5A510112	3 йил
2.	Акушерлик ва гинекология	5A510101	3 йил
3.	Терапия (йуналишлари буйича)	5A510103	3 йил
4.	Педиатрия	5A510202	3 йил
5.	Кардиология	5A510105	3 йил
6.	Болалар жаррохлиги	5A510202	3 йил
7.	Умумий онкология	5A510110	3 йил
8.	Нейрожаррохлик	5A510114	3 йил
9.	Урология	5A510117	3 йил
10.	Дерматовенерология	5A510108	3 йил
11.	Оториноларингология	5A510104	3 йил
12.	Неврология	5A510109	3 йил
13.	Фтизиатрия	5A510107	3 йил
14.	Морфология (йуналишлари буйича)	5A510118	2 йил
15.	Офтальмология	5A510106	3 йил
16.	Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси	5A510203	3 йил
17.	Болалар неврологияси	5A510205	3 йил
18.	Наркология	5A510119	3 йил
19.	Юкумли касалликлар	5A510107	3 йил
20.	Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари	5A510113	3 йил
21.	Соғлиқни сақлашни бошқариш (хамширалик иши буйича)	5A510115	2 йил
22.	Травматология ва ортопедия	5A510121	3 йил
23.	Болалар кардиологияси ва ревматологияси	5A510204	3 йил
24.	Неонатология	5A510206	3 йил
25.	Суд - тиббиёт экспертизаси	5A510123	2 йил

Олий ўқув юртидан кейинги таълим:

Клиник ординатура – кадрларни қайта тайёрлаш тизими таълим тури бўлиб, шифокорларнинг узлуксиз касбий таълими кўп поғонали тузилмасининг бир қисми ҳисобланади. Клиник ординатурага тиббиёт олий ўқув юрти дипломига эга бўлган, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган мутахассисликлар бўйича шифокорлар, шунингдек, илгари клиник ординатурани ёки магистратурани тамомлаган, ҳамда ихтисосидан ташқари иккинчи мутахассисликни олишни хоҳлаган мутахассислар қабул қилинади. Клиник ординатурада ўқиш муддати қоидаги кўра 2 йил қилиб белгиланади. Шифокорларни иккинчи тор мутахассислик бўйича клиник ординатурага қабул қилиш “Клиник ординатура тўғрисидаги Низом”га асосан фақат тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

АДТИда клиник ординаторларнинг таълим олишини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабр “Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 319–сонли қарори билан тасдиқланган “Клиник ординатура тўғрисида Низоми”га асосан ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги

томонидан аккредитациядан ўтказиладиган “Клиник ординаторлар учун ўқув дастурлари” бўйича амалга оширилади.

Клиник ординатура мутахассисликлари

№	Мутахассисликлар
1	14.00.01 - акушерлик ва гинекология
2	14.00.01 – болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси
3	14.00.03 – эндокринология
4	14.00.04 - кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари
5	14.00.05 - ички касалликлари
6	14.00.06 – кардиология
7	14.00.08 - кўз касалликлари
8	14.00.09 – педиатрия
9	14.00.09 – неонатология
10	14.00.10 – юқумли касалликлари
11	14.00.11- тери ва таносил касалликлари
12	14.00.12 - даволаш жисмоний тарбияси ва спорт медицинаси
13	14.00.13 – асаб касалликлари
14	14.00.13 – болалар асаб касалликлари
15	14.00.14 – онкология
16	14.00.15 - патологик анатомия
17	14.00.18 – психиатрия
18	14.00.19 - нур ташхиси ва нур терапияси
19	14.00.22 – травматология ва ортопедия
20	14.00.24 - суд тиббиёти
21	14.00.26 – фтизиатрия
22	14.00.27 – хирургия
23	14.00.28 – нейрохирургия
24	14.00.29 – гематология ва қон қуйиш
25	14.00.31 –урология
26	14.00.35 - болалар жарроҳлиги
27	14.00.36 – аллергология ва иммунология
28	14.00.37–анестезиология ва реаниматология
29	14.00.37 – болалар анестезиологияси ва реаниматологияси
30	14.00.45 – наркология

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом эгаларига Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олишга иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

24. АДПИда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365 сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини

таъминлаш мақсадида олий ўқув юртидан кейинги уч йилгача давом этадиган ўқиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

катта илмий ходимлар-изланувчилар институти — ишлаб чиқаришдан ажралган;

мустақил изланувчилик — ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига Ўзбекистон фуқаролари давлат бюджети маблағлари ҳисобига, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни тўлов-контракт асосида қабул амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида кирувчи шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

олий таълим муассасаси магистратураси дипломига, фан номзоди илмий даражасига ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;

камида икки йиллик илмий ёки илмий-педагогик иш стажига эга бўлиш;
илмий изланишлар ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш лаёқатига эга бўлиш;

илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларида, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида фан доктори илмий даражаси олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган иккита тезисга эга бўлиш;

хорижий тилни магистратура битирувчисининг тегишли даражасида билиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан Интернетдан фойдалана олиш.

Мустақил изланувчилар сифатида расмийлаштирилдиган шахслар қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

бакалавр ёки магистр дипломига, фан номзоди илмий даражасига ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;

камида беш йиллик амалий иш стажига эга бўлиш;
фан доктори даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил этиши мумкин бўлган (илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камида учта илмий мақолага, илмий, илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларида, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш, битта ёки ундан кўп патентга муаллиф (хаммуаллиф) бўлиш ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий-технологик ишланмаларда қатнашганлик;

хорижий тилни магистратура битирувчисининг тегишли даражасида билиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан Интернетдан фойдалана олиш.

Олий ўқув юртларидан кейинги таълим институтига қабул қилинадиган бакалавр, магистр ва фан номзоди ихтисослиги йўналиши олий ўқув юртидан кейинги таълим ихтисослиги мансуб бўлган фан соҳасига мувофиқ бўлиши керак. Ихтисосликлар мувофиқ бўлмаганда ёки олий ўқув юртидан кейинги таълимни фаннинг турдош соҳаларида олиш режалаштирилган ҳолларда талабгорлар

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда қўшимча имтиҳонлар топшириши керак.

Хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига қабул қилиш қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ олий ўқув юртидан кейинги таълимга қабул квоталаридан ортиқча тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

25. АДТИда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 319–сонли қарори ҳамда Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2012 йил 12 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтиш муддатлари ҳамда тартиблари тўғрисида»ги 202-сонли, 2012 йил 16 июлдаги «Тиббиёт ходимларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида сертификатлар ва маълумотларни тайёрлаш, сақлаш ва бериш Тартибларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 210-сонли, 2012 йил 12 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида олган таълимларини эгаллаган лавозимларига мослиги ва тиббий (шифокор) ва фармацевтик мутахассисликлар номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида»ги 170-сонли буйруқларига мувофиқ шифокорларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетида қуйидаги мутахассисликлар бўйича малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни таъминлайди:

- УАШларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш
- терапия
- педиатрия
- акушерлик ва гинекология
- жарроҳлик
- неонатология
- тез тиббий ёрдам ва анестезиология-реаниматология
- офтальмология.

Институт қошидаги тиббиёт коллежлари ўқитувчилари малакасини ошириш бўлимида коллеж ўқитувчилари қуйидаги мутахассисликлар бўйича малакасини оширишини таъминлайди:

- терапия
- акушерлик ва гинекология
- педиатрия
- гигиена
- стоматология
- ҳамширалик иши
- лотин тили
- жарроҳлик касалликлари
- анатомия
- фармакология
- янги ўқув технологияси
- офтальмология.

АДТИ қошидаги тиббиёт коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш марказида ўқиш натижаларига кўра ўрнатилган тартибда тасдиқланган давлат намунасидаги сертификат берилади.

26. АДТИда таълим жараёнини ташкил этиш, таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, институт ректори (ўқув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календарь ўқув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуб ва воситаларни танлаш йўли билан институт талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитларини яратиб берилиши таъминланади.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. Институтнинг ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, жамоатчилик ташкилотларига раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш маънавий ва маърифат ишлари бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

27. АДТИда ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, мустақил иш, амалиёт, магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 45 дақиқалик академик соат белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Институтда таълим ва тарбия ишлари ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида олиб борилади.

28. АДТИда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади.

Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва "Ўзстандарт" агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

29. АДТИда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг назорати шаклида олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган "Олий таълим муассасалари талабалари билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом"га мувофиқ тартибга солинади, "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом"га асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

30. АДТИда инновацион педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

31. АДТИ илмий кенгашининг тематик режалари бўйича, бажариладиган ишларининг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда талабалар, стажёр-тадқиқотчи изланувчи ва катта илмий ходим изланувчиларни кенг жалб этиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боради.

32. Илмий тадқиқотлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

- фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

- шартнома асосида соҳа вазирликлари, идоралари, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан хорижий ташкилотлар маблағлари.

- жисмоний шахслар ва ҳомийлар маблағлари.

VI. Институтнинг тузилиши

33. АДТИ нинг таркибига қуйидагилар киради:

а) факультетлар:

даволаш факультети, педиатрия факультети, врачлар малакасини ошириш факультети, касбий таълим (тиббий педагогика) факультети, олий хамширалик иши факультети, стоматология йўналиши.

б) факультетлардаги кафедралар:

1. Тиллар, педагогика ва психология кафедраси;
2. Ҳарбий тайёргарлик, фуқаролик мудофааси кафедраси;
3. Жисмоний тарбия ва даволаш жисмоний тарбияси, шифокор назорати ва физиотерапия кафедраси ;
4. Нормал физиология, умумий биоорганик ва биологик кимё кафедраси;
5. Патологик анатомия, патологик физиология ва суд тиббиёти кафедраси;
6. Ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси;
7. Факультет, госпитал терапия, халқ табobati, эндокринология ва гематология кафедраси;
8. Умумий жарроҳлик, жарроҳлик касалликлари ва ҳарбий-дала жарроҳлик кафедраси;
9. Факультет ва госпитал жарроҳлик, стоматология кафедраси;
10. 1-Умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш кафедраси;
11. 2-Умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедраси;
12. Травматология, ортопедия, нейрохирургия, ҳарбий-дала жарроҳлиги ва талафотлар медицинаси кафедраси;
13. 6-7- курслар акушерлик ва гинекология, болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси кафедраси;
14. 6-7- курслар жарроҳлик касалликлари, анестезиология реаниматология, тез тиббий ёрдам ва урология кафедраси;
15. Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси;
16. Тиббий биология, гистология, тиббий ва биологик физика, информатика, тиббий техника ва янги технологиялар кафедраси;
17. Болалар хирургияси ва болалар анестезиология-реаниматология кафедраси;
18. Болалар юқумли касалликлари, юқумли касалликлар ва эпидемиология кафедраси;
19. Клиник радиология, онкология ва фтизиатрия кафедраси;
20. Фармакология ва клиник фармакология кафедраси;

21. Психиатрия, наркология ва тиббий психология, неврология ва болалар неврологияси кафедраси;
22. Оториноларингология, офтальмология кафедраси;
23. Болалар касалликлари, неонатология ва шошилиш педиатрия кафедраси;
24. Болалар касалликлари пропедевтикаси, педиатрия кафедраси;
25. Госпитал ва поликлиник педиатрия кафедраси;
26. Дерматовенерология, микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси;
27. Умумий ва ижтимоий гигиена, соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш кафедраси;
28. Одам анатомияси ва ОЖТА кафедраси;
29. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети терапия кафедраси;
30. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети педиатрия кафедраси;
31. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети неонатология кафедраси;
32. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети акушерлик ва гинекология кафедраси;
33. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети жарроҳлик, тез тиббий ёрдам ва анестезиология-реаниматология кафедраси;
34. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети офтальмология кафедраси;
35. Умумий амалиёт шифокорлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш кафедраси.

в) лабораториялар:

- Ўқув лабораториялар: микробиология, биокимё, биорганик кимё, биофизика;
- Илмий лабораториялар: Марказий илмий-тадқиқот лабораторияси (МИТЛ), виварий;

г) бўлимлар:

“Маънавият ва маърифат” ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими, ички назорат ва мониторинг бўлими, ўқув-метод бўлими, маркетинг хизмати бўлими, илмий-педогогик кадрлар тайёрлаш ва илмий бўлим, инфорацион технология маркази, техник ва ахборот билан таъминлаш бўлими, ўқув таълим ресурслар ва дастурлар таъминлаш, тадбиқ қилиш бўлими, режа ва молия бўлими, ҳисоб бўлими, ходимлар бўлими, 1-бўлим, 2-бўлим, девонхона ва архив бўлими, техник воситаларнинг ўқитиш бўлими, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими, техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими.

д) жамоат ташкилотлари:

Ходимлар ва талабалар касаба уюшмаси кўмиталари, хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ЁИХ БТ, “Буқрот” спорт клуби, “Нуронийлар кенгаши”, “Қизил ярим ой” жамияти бошланғич ташкилоти ва ҳ.к..

е) институт клиникаси.

Мустақил ҳисоб рақами ва Уставига эга бўлган, бўлим ва бўлинмалардан иборат, жами 680 ўринли, беморлар даволаниши ҳамда тиббиёт мутахассислари тайёрлашга мўлжалланган ўқув ва амалиёт маскани бўлиб, институт ректори тавсиясига кўра соғлиқни сақлаш вазири томонидан тайинланадиган бош шифокор томонидан бошқарилади. Клиника бош шифокори бевосита институт ректорига бўйсинади ва ректорнинг буйруқ, топшириқларини бажаради, ҳамда бош шифокор

белгиланган тартибда институт илмий кенгашида ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот беради.

ж) институт қошидаги академик лицейлар.

Институт қошида ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 1-2-сонли академик лицейлар фаолият юритади.

1-сон академик лицей Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 январдаги 09-сонли қарори билан ташкил қилинган бўлиб, таълим йўналишлари-аниқ фанлар, табиий фанлар ҳамда ижтимоий гуманитар фанлардир.

АДТИ қошидаги 2-сон академик лицей Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 августдаги 188-сонли қарори билан ташкил қилинган бўлиб, таълим йўналиши-табиий фанлардир.

VII. Институтга раҳбарлик қилиш

34. АДТИни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Низомга мувофиқ яқка раҳбарлик ва олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши, Васийлар кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

35. АДТИни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги Р-137-сон “Олий ўқув юртлари раҳбар кадрларни тайинлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда 2005 йил 7 майдаги Р-2209-сон “Олий ўқув юртлари ректорлари ва проректорларини тайинлаш тартиби тўғрисида”ги Фармойишларида белгиланган тартиб асосида тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор институт фаолиятига, шунингдек, институтнинг “Ички тартиб қоидалари”, “Олий таълим тўғрисидаги Низом” ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўла масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олий таълим муассасаси номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, олий таълим муассасасининг мол-мулкига масъуллик қилади, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида олий таълим муассасасининг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

Ректор институтнинг ваколати доирасида:

- институтнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва топшириқлар беради;

- бўйсунувчи вазирлик билан келишилган ҳолда факультет деканлари ва бош бухгалтерни лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;

- институтнинг проректорлари лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, деканларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;

- институтнинг ходимлари ва хизматчиларини, шунингдек илмий-педагогик ходимларини Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;

- институт таркибига кирган илмий тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

- институт ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва қўшимчаларни белгилайди;

- касаба уюшма кўмитаси ёки олий таълим муассасасининг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда Ички тартиб қоидаларини тасдиқлайди, жамоа шартномасини имзолайди;

- институтнинг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қилади;

- институтда Намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, тасдиқланган олий таълим муассасаси ходимларининг сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркиби ва олий таълим муассасаси ходимларининг штат бирлигини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;

- институт Илмий Кенгашининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш ёки ёпиш қарорларини тасдиқлайди.

“Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги Низом” талабларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаси Илмий Кенгашининг тавсиясига кўра кафедралар ташкил этилади ёки тугатилади.

Институт ректорига ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касба ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Низомда белгиланган тартибда илмий ва илмий-методик раҳбарлик, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва жамоат бирлашмалари марказий ва ҳудудий органларининг сайлаб қўйиладиган лавозимларида раҳбарликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга рухсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлик бўйича бажариши мумкин эмас.

36. “Олий таълим тўғрисидаги Низом”га мувофиқ АДТИда олий таълим муассасаси фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун Илмий Кенгаш ташкил этилади.

Илмий Кенгаш раиси ректор ҳисобланади, Илмий Кенгаш таркибига проректорлар, факультетлар деканлари ҳамда мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва олий таълим муассасаси ходимлари касаба уюшмаси кенгаши вакиллари киради. Илмий Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Илмий Кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Илмий Кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг Илмий Кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

37. АДТИда Васийлар кенгаши олий таълим муассасасини бошқарувчи жамоатчилик органи ташкил этилади ва унинг таркибига муассис-вазирликлар, маҳаллий ҳокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва васийлар, бошқа таълим муассасаларининг вакиллари киради.

Васийлар кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантириш таркиби ва фаолияти “Васийлар кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

38. АДТИда касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялашни соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари ҳамда уларнинг институтдаги сайланган органлари амалга оширади. Талабалар ва ходимларни ваколатли органларининг

хуқуқлари ва уларга нисбатан олий таълим муассасаси маъмуриятининг мажбуриятлари куйидагилардир:

- институт ички тартиб қоидаларига ҳамда меҳнат қонунчилигига риоя қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва маданий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, Республика Президентининг Фармонлари, Қарорлари ҳақида талабалар орасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маънавият ва маърифат масалалари бўйича етук мутахассис бўлиш;

- педагогик жараённинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган ўқув услубларини танлаш, фаннинг ютуқларини ўқув жараёнига тадбиқ қилиш;

- ўқув жараёнига талабалар билимини аниқлашнинг янги усули – рейтинг тизимини мунтазам тадбиқ қилиш;

- талабаларни маънавият ва маърифат масалаларида илғор қилиб тарбиялаш, уларда умумбашарий ва миллий қадриятларни тарбиялаш, уларни ватанпарварлик, байналминалчилик, меҳр-шафқат руҳида тарбия қилиш, улардаги мустақиллик, ташаббускорлик, ижодийлик хислатларини ўстириш;

- бўлажак мутахассисларга жаҳон андозаларига мос келадиган талаблар асосида билим беришни ташкил қилиш, уларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш;

- институт ва кафедраларнинг ташкилот ва корхоналар, хўжаликлар билан тузган шартномаларини бажаришда ўз иштироки билан ҳисса қўшиш;

- касб-маҳоратини тинмай ошириб бориш, мунтазам равишда ҳар уч йилда бир марта, турли шаклларда малака ошириш таълимини ўташ;

- аҳоли орасида илмий ва сиёсий билимларни тарқатиш;

- профессор-ўқитувчилар ва ходимларни ижтимоий-иқтисодий химоялаш, меҳнат муҳофазаси ва техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

Амалдаги низомларга мувофиқ АДТИда илмий ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши, мураббийлар кенгаши, нуронийлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин.

Ректорат ва Илмий Кенгаш ўз фаолиятида институт жамоатчилиги ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва ўз фаолиятларида уларни ҳисобга олади.

39. АДТИ факультетларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда ректор томонидан тайинланадиган деканлар бошқаради.

Факультетлар деканлари ўз фаолиятида “Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисидаги Низом”га амал қилади.

“Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисидаги Низом”га мувофиқ факультетда илмий кенгаш ташкил этилиши мумкин.

Илмий Кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантириш ва фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасаси факультетининг Илмий Кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади. Кафедра фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлов асосида институтнинг Илмий Кенгаши томонидан сайланадиган мудир раҳбарлик қилади.

Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедра фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

VIII. Мол – мулк ва маблағлари

40. АДТИга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш ҳуқуқи билан давлат (таъсисчи)си томонидан

бинолар, иншоатлар, мулкый мажмуалар, институтнинг паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилган.

АДТИ фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар қаторига киритилган.

АДТИга ажратилган ер участкалари олий таълим муассасасига муддатсиз текин фойдаланиш учун бириктирилган.

41. АДТИ жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкый объектларга, олий таълим муассасаси фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинadиган мулкый объектларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

42. АДТИ мол-мулкни ижарага олувчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ олий таълим муассасаси ўзига бириктирилган ижарага берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоатлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни илмий кенгашнинг розилиги билан тасарруф этиш ҳуқуқисиз, белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳақи сифатида олинган маблағлар институтнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун фойдаланилади.

43. АДТИнинг таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан талабалар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-шартнома асосидаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

44. АДТИнинг асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириш мумкин. АДТИ худудида ва вилоят туманларида тадбиркорлик тизимида фаолият юритиб, қишлоқ хўжалик экин майдонларида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топиш, бюджетдан ташқари тушум маблағларини институт моддий-техника базасини ривожлантириш учун сарфлаш ҳамда қишлоқ хўжалик хосилидан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобидан институт ишчи-ходимларини ва талабаларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Институт ўз мулки билан хўжалик органлари ва ширкатларнинг Низом жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консултациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Институтнинг пуллик таълим хизматлари кўрсатишни бюджетдан ажратилadиган маблағлар ҳисобидаги таълим фаолияти доирасида ва унинг ўрнига амалга оширилиши мумкин эмас.

Институт Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур Низомга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қилади.

45. АДТИда лавозим маошлари меҳнат шарномаси (битими) тузилаётганда “Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низом ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланади. Олий таълим муассасаси ходимига лавозим маоши (ставка), ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Қўшимча маош, устама ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини олий таълим муассасаси мустақил, иш ҳақи фонди доирасида қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

Белгиланган маошлар аттестация натижасига кўра фақат уни ошириш мақсадида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

46. АДТИ олий таълим муассасасида амалдаги қонунлар асосида ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналарни меъёрий шарт-шароитлар таъминланган ҳолда ажратади.

Институт қошидаги тиббий пунктга, шунингдек, унинг ҳудудида жойлашган институтнинг балансида бўлган ҳамда таълим олувчилар ва ходимларга хизмат кўрсатувчи ошхона ва бошқа умумий овқатланиш муассасаларига электр, газ, иситиш, ва сув энергия ресурслари билан таъминланган хоналар ажратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги “Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида 2010 йил 20 августдаги 184-сонли қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 297-сон қарори ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 7 ноябрдаги № 409-сонли буйруғи асосида институтдаги ошхоналар ва буфетлар фаолияти ташкил этилади.

Институтнинг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

47. Институтда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан, шунингдек, экспериментал хайвонлардан ўқув ва илмий мақсадларда фойдаланиш фаолияти амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

IX. Халқаро ҳамкорлик

48. АДТИ Ўзбекистон Республикаси олий ва олий таълимдан кейинги таълим соҳаларидаги халқаро ҳамкорлигида қуйидаги тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга:

- олий ўқув юрти илмий кенгашининг қарорига биноан ҳорижий давлатларнинг тегишли ўқув юрти билан бевосита алоқаларни ўрнатиш, улар билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузиш, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамкорликда факультетлар ташкил этиш;

- талабалар, катта илмий ходим изланувчилар, педагогик ва илмий ходимлар билан икки томонлама алмашиш дастурида иштирок этиш;

- ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар, шунингдек, конференция, семинар, видеоконференция, конгресслар, симпозиумлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

- ҳорижий юридик шахсларнинг буюртмалари бўйича фундаментал ва амалий-илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

- олий ва олий ўқув юртидан кейинги касбий таълимни такомиллаштириш халқаро дастурларида иштирок этиш.

АДТИда чет эл фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ўқув юрти илмий-педогогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий тадқиқотчилик ишлари давлатлараро органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек, АДТИнинг қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

49. АДТИ Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддасига мувофиқ таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлири билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлири ташкил этиш ҳуқуқига эга.

50. АДТИ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- халқаро нодавлат ташкилотларга кириш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари деб қаралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш;
- хорижий шериклар иштирокида олий таълим муассасасининг таркибий бўлинмалари (марказлар, лабораториялар, техник саройлар ва бошқа бўлинмалар)ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш.

51. АДТИ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ушбу Уставда назарда тутилган ва “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

52. АДТИнинг ташқи иқтисодий фаолиятидан тушган валюта, моддий тушумлари қонунчиликка биноан унинг Уставида белгиланган фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади.

Х. Институт фаолиятини назорат қилиш

53. Институт ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилши учун жавоб беради.

54. Институт фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

ХІ. Қайта ташкил этиш ва тугатиш

55. АДТИ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда қуйидагиларга жавоб беради:

- унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;
- таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлиги;
- таълим жараёни вақтида олий таълим муассасасида таълим олувчилар ва ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи;
- таълим олувчилар ва олий таълим муассасаси ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилганлиги;

- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатлар.

56. АДТИ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

57. Институтнинг Устави намунавий Уставда белгиланган тавсияларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Институт Устави Илмий Кенгашда муҳокама қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади ва ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 1 июлдаги 257-сонли буйруғи) ва кучга киритилади.

Институтнинг Уставига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

58. Мазкур Уставни ишлаб чиқиш жараёнида кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий таълим тўғрисидаги қонун, Давлат таълим стандартлари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатларидан фойдаланилди.

А. Шўзиқ *Шағмамол Дамшев*
Баюмов

20 14 YIL 21 KUNI MEN, ANDIJON VILOYATI ANDIJON
SHAHAR 1-SONLI DAVLAT NOTARIAL IDORASINING NOTARIUSI A.A.SHERBAYEV, FUQARO
Ulaganov A. Sherbayev
NING MENING HUZURIMDA QO'YGAN IMZOSI HAQIQIYLIGINI SHAHODATLAYMAN
HUJJATNI IMZOLOVCHINING SHAXSI ANIQLANDI, MUOMALAGA LAYOQATLILIGI
TEKSHIRILDI, YA'NI SHAXSIY MULOQOT DAVOMIDA UNING MUOMALAGA LAYOQAT-
LILIGI SHUBHA TUG'DIRMADI. USHBU NOTARIAL HARAKATNI AMALGA OSHIRISH
DAVRIDA NOTARIAL IDORADA UNING MUOMALAGA LAYOQATSIZLIGI HAQIDA HECH
QANDAY MA'LUMOT YO'Q.

2-916 RAQAM BILAN QAYD ETILDI
SO'M MIQDORIDA DAVLAT BOJI UNDIRILDI



Исполнительно
Нотариус: 93 ИСТОП